Д. Машуров

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭЛЛИҚҚАЛЪА ТУМАНИ
ҲОКИМЛИГИ

ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ЕЛЛИҚҚАЛА РАЙОНЛЫҚ
ХӘКИМЛИГИ

231600 Бўстон шаҳри
Тел: (361) 585-35-64, факс 585-12-80

231600 Бўстон қаласы
Тел: (361) 585-35-64, факс 585-12-80

№03-869

2020 йил «18» декабрь

Қорақалпоғистон Республикаси
Адлия вазирлигига

Элликқалъа туманӣ ҳокимлиги Сиздан Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунини ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талабларига асосан Элликқалъа туман ҳокимининг 2020 йил 11 декабрь кунги **"Туманнинг "Қиличиноқ" овул фуқаролар йиғини ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида"**ги 685/12 сонли норматив тусдаги қарорини давлат рўйхатига олишингиз учун йўллайди.

Туман ҳокимининг 1-ўринбосари: **Б.Алимов**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭЛЛИҚҚАЛЪА ТУМАНИ
ҲОКИМИ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ЕЛЛИҚҚАЛА РАЙОНЛЫҚ
ХӘКИМИ ҚАРАРЫ

Бўстон шаҳри — Бостон қаласы

№ 685/12 — 2020 йил «11» декабрь

Туманнинг "Қиличиноқ" овул фуқаролар йиғини ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сон Қарори ҳамда туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғининг 2020 йил 14 сентябрдаги 148-сонли хатига асосан туманнинг "Қиличиноқ" овул фуқаролар йиғини ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ги қонунинг 6, 24-моддаларини қўллаб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Элликқалъа туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғининг туман ҳудудида янги йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисидаги 2020 йил 14 сентябрдаги 148-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Қиличиноқ" овул фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи А-380 автомобиль йўли бўйида жойлашган туман халқ таълими бўлимига қарашли 3-сонли умумий ўрта таълим мактаби олдига 1.20. (пиёдалар ўтиш жойи) ва 1.21. (Болалар) йўл белгиси ўрнатилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курбанбаев ва туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси бошлиғи (Т.Рахманов) зиммаларига юклатилсин.

4. Мазкур қарор туман "Давр кўзгуси" газетасида эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

ТУМАН ҲОКИМИ: **С.АВЕЗОВ**

ЭТХ-А-[illegible]-15000-2020 й

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI «ADOLAT» MILLIY HUQUQIY AXBOROT MARKAZI DAVLAT MUASSASASI
DEVONXONA
KIRIM RAQAMI 1783/12
SANA «28» 12 2020